

MOODLE ТИЗИМИНИ ТАЪЛИМДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

А.М.Каюмов (Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси ассистенти)

Э.М.Юлдашев (Андижон машинасозлик институти. “Ахборот технологиялари” кафедраси ассистенти)

Ушбу мақолада ҳозирги кунда таълимга жорий этилаётган Moodle тизими ҳақида сўз юритилган. Келтирилган маълумотлар ушбу тизимнинг иш мухитини ўрнатиш ва созлашга қаратилган. Бундан ташқари Moodle тизими ишлаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган носозликларни бартараф этиш йўллари келтирилган.

В данной статье приведены сведения о системе Moodle которая применяется в системе образования. В приведенных данных, обращено внимание на установку и наладку данной системы. Кроме того, показаны методы устранения некоторых неполадок в ходе эксплуатации системы Moodle.

In the article was mentioned the moodle system in education. Taken informations on this system is directed to put up working conditions and to control it. Besides this was taken methods of elimination some malfunction in exploiting the moodle system

Ушбу мақолада Moodle тизимидан янги фойдаланаётганларнинг вужудга келган саволларига жавобларни ўзида мужассамлайди. Ўз-ўзидан Moodle электрон ўқув тизими фойдаланишда унчалик мураккаб эмас. Лекин биринчи бор Moodle тизими билан тўқнашган ва уни қандай принциплар асосида қурилганлиги билан ишлашини билмаганларда ундан фойдаланишда муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бундай муаммоларга мисол қилиб фойдаланувчининг Moodle тизимини ишлаш принципини билмаслиги, муаммоларни Moodle тизимида ҳал қилиш принципларини билмаслиги мисол бўла олади. Буларнинг ичида мураккаб ва тезкор ҳал этилиши талаб этувчи, шунга ўхшаш кўплаб муаммолар тўпланиб бирга келиши тизимни мураккаблаштириб юборади, бу эса тизимда фойдаланишнинг “афсона” га айлантириб қўяди. Бундай “афсона” лардан бири олий ўқув юртлари тизимида фойдаланувчи мохир дастурчи бўлиши ва у фақат Moodle тизимида ишлаши керек деган хулосага олиб келади.

Аслини олганда Moodle тизимининг айрим манбалари иш принципини тушиниш, ушбу тизимни стандарт конфигурациясидан оддий ўқитувчи ҳам фойдаланиши мумкинлигини кўрсатади. Moodle тизимини ўрнатиш ва иш фаолиятини қўллаб туриш техник нуқтаи назаридан, бошқа оммавий сайтларни бошқариш тизимларниқидан мураккаб эмас, масалан мактаб ўқувчилари ҳам бошқара оладиган Joomla ёки Drupal лардан.

Ҳазирги кунда йиғилиб қолган манбаларни жамлаш ва тизимлаштириш учун Moodle Centerда <http://moodle-center.ru> сайти яратилган. Ушбу сайт вақт ўтиши билан оммалашиб Moodle тизимининг ишлаши ҳақида маълумотлар жойлаштирила борди ва тизимнинг асосий манбасига айланди.

Келинг Moodle тизими билан яқиндан танишайлик. Moodle ўзи нима? Moodle - Австриялик профессор Мартин Дунгиамос томонидан ишлаб чиқилган бепул электрон ўқитишдир. Тизимнинг расмий сайти қуйидагича- <http://moodle.org/>.

Moodle тизими дунё бўйича кенг тарқалган ва ҳозирги кунда ўнлаб тилларга таржима қилинган (жумладан рус ва ўзбек тилларига ҳам). Бу эса Moodle тизими ёрдамида ўқитишни мактабда, коллежларда ва олий таълимда ҳам қўлланилиши имконини бермақда.

Moodle тизими PHP дастурлаш тилида ёзилган бўлиб, Windows, Linux ва бошқа операцион тизимлари бор компьютерлар муҳитида бажарилиши мумкин. Шунингдек, ушбу тизимдан фойдаланиш учун, маълумотлар омборини бошқариш тизми (МОБТ) мавжуд бўлиши керак. Кўп ҳолатларда MySQL МОБТ ишлатилади, лекин PostgreSQL, MSSQL, Oracle ва МОБТ лардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Moodle тизими ишлатиладиган компьютерга қўйиладиган техник талаблар қуйидагича бўлиши мумкин.

Moodle серверга ўрнатилади, фойдаланувчи тармоқ орқали браузерлар ёрдамида унга кириш имкониятини олади.

Тармоқда “мижоз” компьютерлар учун талаб унчалик юқори эмас-асосан браузер ишласа бўлди, шунинг учун ҳозирги кундаги мавжуд барча интернетга улана оладиган компьютерлардан ушбу тизимнида фойдалана олиш имкони мавжуд.

Тизимда барча қайта ишлаш амаллари сервернинг зиммасига юкланади ва серверга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Moodle учун 160 Мб дискдан бўш жой ва фойдаланувчи маълумотлари учун камида 5 Гб бўш жой керак.
- Тезкор хотира камида 256 Мб тавсия этилади, 1Гб ва ундан катта, бу талаб агарда бир вақтда 10-20 фойдаланувчи бирданига тизимга кирса керак бўлади.

Тизимдан бир вақтда фойдаланаётган фойдаланувчи деб бир неча дақиқада тизимда ишлаётганлар ҳисобланади, лекин бир неча секундга кириб маълумот олиб чиқиб кетиб беш дақиқадан бери у билан ишлаётган фойдаланувчи, беш дақиқа олдинги фойдаланувчи ҳисобланади ва ушбу фойдаланувчи учун тизимнинг ресурси ишлатилмайди.

Moodle тизимида фойдаланувчиларнинг сонига чегаралар йўқ, барча чегаралашлар сервернинг техник характеристикасига боғлиқ. Бундан келиб чиқиб Moodle тизимини барча компьютерларга ўрнатиш керакми? Деган савол туғилади йўқ, фақат сиз фойдаланаётганга компьютер интернет тармоғига уланган бўлса етарли.

Moodle билан яқиндан танишиш учун унинг ДЕМО-версияси мавжуд ва у қуйидаги манзилга жойлаштирилган <http://demo.moodle.net/>.

Moodle тизимини ўрнатиш ва созлаш. Биринчи саҳифада Moodle тизимига кириш учун логин-парол кўринишини ташкил этишда қуйидаги амаллар бажарилиши керак; “Администрирования” блогидан “Безопасность”

танланади ва ундан “Политики безопасности сайта” танланади. Юкланган саҳифадан “Принуждать пользователей войти в систему” белгилаб олинади.

Фойдаланувчиларнинг ўзлари мустақил қайт этилишлари учун эса, “Настройка” блогда кетма-кет “Плагины => Аутентификация => Настройки аутентификации” га ўтиб, ҳосил бўлган “Самостоятельная регистрация” рўйхатидан “Самостоятельная регистрация по электронной почте” танланади.

Бир сервердан Moodle тизмини бошқасига олиб ўтиш қуйидагича амалга оширилади;

- Moodle ва Moodle data каталогларидаги файлларнинг нусхаси олинади.
- Маълумотлар омбори (МО) дамп кўчириб ўтилади. Одатда яратилган дамп ва унинг сервергадаги изоҳи `phpmyadmin` ёки `mysqldump` ёрдамида амалга оширилади.
- Конфигурация файлида МО га кириш ва каталогларга йўл беришда `config.php` га ўзгартириш.

Бундай амалларни албатта Moodle тизими билан яхши таниш бўлган фойдаланувчи томонидан амалга оширилганлиги макул, чунки кўп маълумотларни тўлиқ кўчиб ўтмай қолиши мумкин шунинг учун қуйидаги усул билан кўчиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

1. Moodle нинг айнан ўша версиясини компьютерингизга ўрнатинг
2. Эски сервердаги кўрсатилган усул билан архивларни захирасини яратган ҳолда нусха олиш
3. Архивни янги серверга олиб ўтиб ва у жойда архивларни қайта тиклаш.

Агарда кўчириб олиб ўтилган архивлардаги маълумотларга мураажат қилинганда, уларнинг жавоб бермаслигининг асосий сабабларидан бири шуки, Moodle да жойлаштирилган ҳар бир о

бъектнинг манзили сервер номи қўшилган ҳолда номланади, шунинг учун барча файлларни манзили серверга мослаб қайта ўзгартирилиши керак, буни икки хил усулда амалга ошириш мумкин.

- Агарда нотўғри адреслар унчалик кўп бўлмаса уларни `html` кодларини қайта киритиш билан созлаш мумкин.
- Манзилда кўрсатилган
`http://сизнинг_серверингиз/adminreplase.php` скриптдан
фойдаланган ҳолда.

Скрипт бутун МО да битта қаторни иккинчи қатор билан алмаштиришга мўлжалланган эски манзилни янгиси билан ўзгартириш учун биринчи майдонга эски сервер манзили иккинчи майдонга янгисининг манзил ёзилади.

Юкланаётган файлнинг максимал ҳажмини ортириш учун Moodle тизимида учта жойдаги ҳолатларга эътибор бериш керак, чунки ушбу жойларда ҳажм бўйича чеклашлар қўйилга бўлиши мумкин.

1. Moodle тизимининг ўзида,

2. РНР дастурлаш тилининг созланишида,
3. Веб серверларни созланишида.

Яъни учала ҳолат кетма-кет текширилиб, чеклаш аниқланади ва бартараф этилади.

Moodle тизимига юкланаётган файлларни хажмини катталаштириш учун қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш керак:

- Форумда, топшириқларда юкланаётган курсларнинг айрим қисмларининг ўлчамларини аниқлаб олиш керак. Бу ҳолда юкланаётган файлнинг хажми курсни созлашда ўрнатилган файлнинг хажмидан катта бўла олмайди.
- Курсни яратишда ўрнатилган файлнинг максимал ўлчамлари шу курснинг созлашида ўзгартириш мумкин, лекин Moodle тизимининг глобал созлашдаги ўрнатилган максимал ўлчамадан катта бўлмаслиги керак.
- Moodle тизимида файлнинг максимал ўлчамини ўрнатиш учун администраторлик ҳуқуқи билан “Управление” блогидаги “Безопасность” => “Политика сайт” йўналишида кириши ва у ерда РНР нинг созлашидаги ўлчамлардан катта бўлмаган ҳолда юкланадиган файлнинг ўлчамлари ўрнатилади.
- РНР да файл хажмининг ўлчамларини ўзгартириш учун янги ўлчамларни файлда ўзгартирилиши мумкин бўлган Moodle нинг катологидида жойлашган *htaccess* дан ёки *php*.ини нинг файли *upload_max_filesize* ёрдамида ўрнатилади.

Масалан, *htaccess* файлида 100 Мб ўлчамни ўрнатишни қуйидаги қатор ёрдамида амалга ошириш мумкин

php_volume upload_max_filesize100 Мб ёки

php да php.ини upload_max_filesize100 Мб

Шунга ҳам этиборни қаратиш керакки параметр *upload_file_size* ишламай қолиши мумкин агарда унинг қийматлари *post* услуги билан жўнатилаётган параметрлар қийматларининг максимал маълумот ўлчамларини аниқловчи параметр *post_max_size* қийматларидан катта бўлса.

Кўрилатган Веб серверда ўрнатилган ўлчамларда РНР да ўрнатилган файлнинг максимал ўлчамлари катта бўлмаслиги керак.

Apache web серверида созлашларни ўзгартириш учун унинг конфигурация файлларидаги Limit Request Body параметрни ўзгартириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ғиёсов У.Э, Moodle платформаси тарихи, имкониятлари ва хусусиятлари, - Анвар Исломовнинг 100 йиллигига бағишланган “Телекоммуникация ва алоқа соҳасида замонавий ахборот технологиялари” номли республика илмий-услубий анжумани. Тошкент 2011
2. <http://www.moodle.org>.

Муаллифлар ҳақида

Ф.И.Ш	Каюмов Аҳрор Муминжонович
Иш жойи ва лавозими	Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филифили “Ахборот технологиялари” кафедраси ассистенти.
Телефон	+99891 650 50 90
Электрон почта	farkompyuter@umail.uz
Ф.И.Ш	Юлдашев Элдарбек Муродилович
Иш жойи ва лавозими	Андижон машинасозлик институти. “Ахборот технологиялари” кафедраси ассистенти.
Телефон	+99890 629 96 66
Электрон почта	yuldasheveldor@umail.uz
Шўъба	Замонавий ахборот ва педагогик технологиялари таълим сифатини ошириш фактори